



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Идора ҳаёти

№ 15 (752) 15.08.2024 | ۰۹.۰۲.۱۴۴۶

Учрашувлар, самимий мулоқотлар манфаатли бўлди

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ уламолар Фарғона вилоятининг Қўқон ва Марғилон шаҳарларида аҳоли вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, юзма-юз мулоқотлар ва жонли савол-жавоблар ўтказдилар.



Муфтий ҳазратлари диндошларимиз мусулмонлик сифатла-

рига муносиб бўлиши, ҳадиси шарифларда баён этилган комил мўмин фазилатлари билан зийнатланиши, ҳар ишда мўътадилликка риоя қилиш зарурлиги хусусида сўзлаш баробарида бунинг зидди бўлмиш риёкорлик, такаббурлик, кўр-кўрона тақ-

3-бетда

Яхшиликка чақириш

Энг улуғ неъмат қадри

Инсон ҳамиша тинчликка, хотиржамликка интилиб яшайди. Тинчлик, осудалик ҳукм сурган ерда қут-барака, ривожланиш бўлади. Шунинг учун ҳам тинчликнинг қадрига етиш ва уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳар кимнинг энг олий бурчи бўлмоғи лозим.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **"Икки неъмат борки, кўп инсонлар улардан бебаҳрадирлар. (Улар): Соғлик ва тинчлик-хотиржамликдир".** (Имом Бухорий ривояти).

Бугун тинчликдан бебаҳра одамлар ниҳоятда кўп. Улар ўз хонадонларида, маҳалларида, жонажон юртларида тинчлик бўлишини истайдилар. Бунинг учун бор-будларидан ҳам кечишга рози.

Муқаддас динимизда зўравонлик, фитна-фасод ва бузғунчилик қаттиқ қораланади. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилади: **«Уларга: "Ер юзида фасод (бузғунчилик) қилмангиз!" дейилса, улар: "Албатта, биз чин ислоҳчилармиз", дейдилар. Огоҳ бўлингки,**

айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари) сезмайдилар». (Бақара сураси, 11–12-оятлар), **"(Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди"** (Бақара сураси, 205-оят).

Демак, тинчликка раҳна солган, бузғунчилик қилган кимсани Аллоҳ таоло ҳам ёқтирмайди. Кун келиб улар, албатта, ўз қилмишларига жавоб берадилар. Афсуски, бугун те-варак-атрофимизда ўзгаларнинг осуда ҳаётини кўролмайдиган, сокин дарёга тош отишга шай турган ғаламислар бор. Шу боис бугун огоҳлик ва ҳушёрлик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Биз дунёдаги энг бахтли инсонлармиз. Кўз тегмасин, Ўзбекистонимиз тинч ва осуда. Юртдошларимиз озод ва обод Ватанда орзу-ҳавасларининг рўёбини кўрмоқдалар. Энг муҳими, фарзандларимиз кўз ўнгимизда таълим-тарбия олиб, ўз иқтидорларини кенг миқёсда намойиш этиб келмоқдалар. Халқимиз фаровонлиги эса йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Жумладан, яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазибалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, дунёдаги оғир шароитга қарамасдан мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришмоқда.

Албатта, бу кўрсаткич барчамизга алоҳида ғурур ва сурур бағишлайди. Аммо бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керакки, бу каби фаровонлик замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик неъматини ётибди. Шундай экан, бу улуғ неъмат қадрига етиш ҳаммамизнинг умумий мақсадимиз бўлиши лозим.

Шаҳнозахон СОДИҚОВА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 25–26 июль. Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида "Маънавий ипак йўли: Евроосиё маконида анъанавий қадриятлар" мавзuida бўлиб ўтган халқаро конференцияда юртимиз диний соҳа мутасаддилари қатори Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Муҳаммадолим домла Муҳаммадсиддиқов ҳам иштирок этиб, сўнгги йилларда юртимизда диний соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар билан ишлаш, диний таълимни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

✓ Қозон шаҳрида илмий сафарда бўлган Ўзбекистон делегацияси Россия ислом институти ва Булғор ислом академияси (БИА)га ташриф буюришди ва ушбу диний таълим муассасалари ректорлари билан мулоқотлар ўтказиб, ўзаро илмий, таълимий алоқаларни янада ривожлантириш, тажриба алмашиш масалаларини апрофлича муҳокама қилишди.

✓ 24–26 июль. Қозон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро Қуръон мусобақасида "Саййид Мухйиддин маҳдум" ўрта махсус ислом билим юрти битирувчиси Мустафоқул қори Абдурахмонов муносиб қатнашиб, ташкилотчиларнинг ташаккурнома ва эсдалик совғаларига эга бўлди.

✓ 29–30 июль. Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида "Тезкорлик билан ривожланиб бораётган дунёда фатво ва юксак ахлоқни шакллантириш" мавзuida бўлиб ўтган халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков ва диний идора Халқаро алоқалар бўлими мудир Шавкат Ҳамдамов иштирок этди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумма инна нас` алука мин хойри маа са` алака минҳу набийюка Муҳаммад. Ва наъузу бика мин шарри мастаъаза минҳу набийюка Муҳаммад. Ва Антал мустаъану ва ғалайқал балаағу ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ».

«Аллоҳим! Албатта, биз Сендан Набийнинг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам сўраган хайрли нарсаларни сўраймиз. Сендан Набийнинг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам паноҳ сўраган ёмон нарсалардан паноҳ сўраймиз. Сен ёрдам сўралган Зотсан ва етиб бориш Сенгадир. Аллоҳдан бошқада куч ҳам, қувват ҳам йўқ» (Имом Термизий ривояти).

“

«Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «иймони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи (Исломга нисбатан) душманларнинг ашаддийсидир. (Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди. Унга: «Аллоҳдан қўрққин!» дейилса, ғурури уни гуноҳ ишларга ундайди. Унга фақат жаҳаннам бас келур. Нақадар мудҳиш жой у!» (Бақара сураси, 204–206-оятлар).

Бузғунчилик қилманг!

Ахнас ибн Шурайқ кўриниши чиройли, сўзи ширин, лекин фожирлиги яширин кимса эди. У Мадинада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мен фақат Исломни истаб келдим. Аллоҳ ростгўйлигимни билади...» дейди. Набий алайҳиссаломга унинг сўзлари манзур бўлади. Бироқ Ахнас у зотнинг ҳузурларидан чиққач, мусулмонларнинг экинзорларига ўт қўйиб, эшакларини сўйиб ташлайди. Шунда Аллоҳ таоло мазкур оятларни нозил қилади.

Бу оятлар Ахнас ибн Шурайққа ўхшаган кимсаларга ҳам тегишлидир. Уларни мана шундай оқибат кутади.

Баъзи ҳаким зотлар айтади: «Эшакни ўлдириб, экинга ўт қўйган одам то қиёматга қадар маломату шармандаликка дучор бўлса, мусулмонни ўлдирмоқчи бўлганларнинг ҳоли қандай кечаркин?»

Ривоят қилинишича, бир ҳожатманд яҳудий Ҳорун Рашиднинг эшиги олдида бир йил туриб, ҳожати раво бўлмабди. Бир куни Ҳорун Рашид уйдан

чиққанида югуриб бориб: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳдан қўрқинг!» деди. Ҳорун Рашид уловдан тушиб, саждага йиқилди. Бошини кўтариб, унинг ҳожатини чиқаришни буюрди. Аъёнлар: «Эй мўминларнинг амири! Бир яҳудийнинг гапи билан уловдан тушдингизми?» дейишди. Халифа: «Унинг гапидан эмас, балки Аллоҳ таолонинг: «Унга: «Аллоҳдан қўрққин!» дейилса, ғурури уни гуноҳ ишларга ундайди. Унга фақат жаҳаннам бас келур. Нақадар мудҳиш жой у!» деган ояти остига кириб қолишдан қўрқиб тушдим», деди.

Имом Қатода айтади: «Бизга зикр қилиндики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Аллоҳ номи билан чақириладиган бўлсангизлар, ижобат қилинглар. Аллоҳ номи билан сўраладиган бўлсангизлар, беринглар. Чунки мўминлар шундай бўлади», деганлар».

«Тафсири Самарқандий» асосида
Боборовшан РАСУЛОВ тайёрлади.



Ҳадис шарҳи

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан узоқлашинг. Сизларни нимага буюрган бўлсам, уларга қодир бўлгунингизча яқин келинг. Сизлардан олдингиларнинг ҳалок бўлишига кўп савол сўрашлари ва пайғамбарлари тўғрисида ихтилоф қилишлари сабаб бўлган» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисда манҳиёт ва муҳаррамот (ман этилган ва ҳаром қилинган) нарсалар ҳақида гап кетмоқда. Набий алайҳиссалом ҳаром нарсаларни айтдиларми, демак, барча мўмин-мусулмонлар улардан сўзсиз қайтишлари шарт.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй инсонлар! Аллоҳ таоло сизларга ҳажни фарз қилди. Ҳаж қилинглар», дедилар. Бир киши: «Ё Расулulloҳ, ҳар йилими?» деб сўради. У зот индамадилар. Ҳалиги киши саволини уч марта такрорлади. Шунда Набий алайҳиссалом: «Агар мен «Ҳа», десам, (ҳаж ҳар йили) фарз бўларди. Сизлар (бунга) қодир бўлмас эдингиз», дедилар. Сўнгра: «Мен сизларни қандай тарк этган бўлсам, индаманглар (яъни, сизларга айтмаган нарсаларимда саволни кўпайтирманглар). Зеро, сизлардан олдинги (қавм)лар кўп савол сўрашлари ҳамда пайғамбарларига хилоф иш тутганлари сабабли ҳалок бўлишди. Агар мен сизларни бирор ишга буюрсам, уни қодир

бўлгунингизча бажаринглар. Агар бирор ишдан қайтарган бўлсам, уни тарк этинглар», дедилар».

Бу ҳадиснинг айтилиш воқеаси куйидагича:

«Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳ ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ҳақидаги оятни ўқиб бериб: «Ҳаж қилинг», дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, ҳар йили ҳаж қиламизми?» деб уч марта сўраганларида, «Мен гапирмаган мавзуда сизлар гапни кўпайтирманглар», деган мазмунда: «Агар: «Ҳа» десам, сизларга ҳар йили ҳаж қилиш фарз бўлиб қолади. Бу эса сизларга машаққат туғдиради. Шу боис ортиқча савол берманглар», деганлар. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй иймон келтирганлар! Сизларга (жавоби) аён қилинса, сизларга хуш келмайдиган нарсалар ҳақида (савол) сўрамангиз! Куръон (оятлари) нозил бўлиб турган кезларда улар ҳақида сўрасангиз, (жавоби) албатта, аён қилинади. Уларни (олдинги сўраганларингизни) Аллоҳ кечирди. Аллоҳ кечиримли ва ҳалимдир» (Моида сураси, 101-оят).

Дарҳақиқат, инсон бошига келадиган машаққатларга унинг кераксиз саволлари сабаб бўлади. Иложи борица билганимизга амал қилишимиз керак. Олдин ўтган қавмларнинг ҳалокатига мазкур икки омил сабаб бўлган.

Зеро, ушбу ҳадиснинг айтилиш тарихига назар солсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам осон бўлмагани аёнлашади. У зот минбарда турганларида, бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, мен қаердаман (охиратдаги жойим қаерда)?» деганида, «Сен дўзахдасан», деганлар.

Аслида бу савол ҳамманинг олдида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни шарманда қилиш учун берилган. Савол эгаси шунга яраша жавоб олган.

Яна бошқа бир киши ўрнидан туриб: «Менинг отам ким?» деб сўраганида у зот: «Сенинг отанг фалончи», деб (у отам деб юрган кишидан бошқасининг – ҳақиқий отасининг исмини) айтганлар. Савол эгаси ҳамманинг олдида жуда ёмон аҳволга тушиб қолади...

Мўмин киши зинҳор олимни, имом-домлани мот қилиш ё изза қилиш учун савол сўрамаслиги лозим. Акс ҳолда, Аллоҳ унинг ўзини шарманда қилади. Чунки олимлар, имомлар, дин пешволари – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меросхўрлари. Куръони карим таълимотига



биноан инсон билмаган нарсасини биладиган кишилардан сўраши керак. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлидан сўранг» (Наҳл сураси, 43-оят). Демак, сўраб билганимиздан кейин амал қилмасак, гуноҳкор бўламиз.

Билган нарсасини жамоатнинг олдида сўраш кўпинча фитнага олиб келади. Баъзида имомнинг ўзи ўзига савол бериб, кейин жавобини ўзи берса бўлади. Лекин одамлар орасида имом-домларга фитнали саволларни бериш мутлақо жоиз эмас. Бу ўтакетган беодобликдир. Тўғри савол бериш – ярим илм. Инсоннинг саволидан унинг илми қандай экани аён бўлади.

Аллоҳ таоло ўрганганларимизга доимо амал қилиб яшашни барчамизга насиб этсин!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳар «Минор» жоме
масжиди имом-хатиби

Мутаассиблик – хоҳ у фикрий, хоҳ сиёсий, хоҳ диний ё ижтимоий бўладими, бирор вазият ёхуд шахсга боғлиқ бўладими, албатта, уни умумий, муштарак бўлган яшинин сабаблари бўлади.

Бағрикенглик луғатда “юмшоқлик”, “осонлик”, “енгиллик” каби маъноларни ифодаласа, умумий маънода бағрикенгликни бошқаларга, гарчи ўзи уларнинг фикрларига қўшилмаса-да, лекин улар ўз фикрларини ифода қилиб беришлари учун имкон берадиган қалби кенглик дейиш мумкин.

Мутаассиблик эса луғатда “қаттиқ туриб олиш”, “ўраниб олиш” каби маъноларни ифодалайди. “Таассуб – бу бирор шахс, фикр, асос ёки ақидага тегишли бўлган нарсаларда ғулувга кетишдир” (“ал-Мўъжам ал-фалсафий”).

Мутаассибликка яқин бўлган яна бир тушунча бор. У ғулувга кетиш бўлиб, луғатда “ҳаддан ошиш” деган маънони билдиради. Аллоҳ таоло бу борада: **«Эй аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошиб кетманг!»** (Нисо сураси, 171-оят), дейилган.

Демак, ўз соҳибини фазилатли хулқлар ила зийнатламаган илмнинг ўзи етарли бўлмайди. Мутаассиб одам ўзи тўғри деб билган нарсадан бошқа нарсани кўришни ҳам, эшитишни ҳам хоҳламас экан. Агар биз исломий манҳажга назар соладиган бўлсак – хоҳ у даъват бўлсин, хоҳ амал – унинг бир қанча асослари борлигини кўрамиз. Улар: шариатни юборувчи зот Аллоҳ таоло, шариатни ўзи, шариат ила юборилган зот ва муслмонлар ва барча инсонлар. Куръони карим ва набавий суннатда бир қанча ишоралар борки, улар бизга

Идора ҳаёти

Учрашувлар, самимий мулоқотлар манфаатли бўлди



1-бетда

зулм ва зўравонлик каби гуноҳ ишлардан сақланишга чақирди.

Суҳбатларда, шунингдек, сўнгги йилларда барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилгани, жумладан, 100 та янги масжид очилгани, кўплаб жомелар ҳавас қиладиган даражада обод бўлгани, Куръони карим курсларида бир неча ўн минг фуқаро Мусҳафни тиловат қилишни ўргангани, ҳаж-умра зиёратчилари сони сезиларли ошгани

Ғулув ва мутаассиблик мўътадилликка зид

Ислом ўзининг юқоридаги асослари ила мутаассибликдан қанчалар узоқлигини кўрсатади:

“Динларингизда ғулувга кетмангизлар!” (Нисо сураси, 171-оят);

“Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди” (Бақара сураси, 185-оят);

“Аллоҳ (тоати йўлида) ҳаққоний жидду жаҳд қилингиз! Сизларни (шу дин учун) У танлади ва динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади” (Ҳаж сураси, 78-оят);

“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад) уларга (саҳобаларга) мулоиймлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар” (Оли Имрон сураси, 159-оят);

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Мен бағрикенг ҳанифийлик ила юборилганман”** (Имом Аҳмад ривояти);

“Сизлар (динни) осон кўрсатувчи қилиб юборилгансизлар, қийин кўрсатувчи қилиб эмас” (Имом Бухорий ривояти).

Исломий манҳаж (асос)нинг ҳақ эканини кўрсатадиган мисоллар кўп экан, қандай қилиб ҳаётимизга мутаассиблик кириб келмоқда, деган савол туғилиши мумкин.

Бунинг бир қанча муштарак сабаблари бор: биринчиси, оиладаги нотинчлик; агар бола муаммоларга тўла нотинч оилада ўсиб-улғайса, шубҳасиз, у ё ҳаммага нисбатан ёпиқ ёки ҳаммани душман деб билладиган кайфиятда улғаяди. Икки

ҳолатда ҳам фақат ўзига ишонади, ўздан бошқа бирор кишига ишонмайди; иккинчиси, илмнинг озлиги; инсоннинг илми зиёда бўлгани сари билган нарсаларидан кўра билмайдиган нарсалари кўпроқ эканлигини англаб бораверади. Бирор нарсанда кўр-кўрона қаттиқ туриб олувчи киши ҳақиқатнинг бир тарафини ушлаб, бошқа тарафлари унга яширин қолаётган бўлиши мумкин. У ушлаб олган нарса баъзан юз фоиз тўғри, баъзан эса, аксинча бўлиб чиқиши мумкин. Мутаассиблик тарихини ўрганган одам, амин бўладиги, мутаассиблик илми саёз ва олимлардан кўра кўпроқ китоблар ўқиб илм ўрганган кишилар томонидан кузатилган. Илмнинг озлиги ва илм олишдаги нотўғри услуб уларга тўғри йўлдан тўсиб қўядиган хато тушунчаларни олиб келган; учинчиси, кишининг ўз қобиғига ўралиб олиши. Аллоҳ таоло инсонларни бир хил қилиб яратмагани У Зотнинг ўзгармас суннатларидандир. Балки уларни тили, ранги, ирқи турлича бўлишини хоҳлади. Ҳатто шариат ва мазҳаблар турлича бўлиши ҳам Аллоҳнинг иродасидир. Ўз қобиғига ўралиб олган одам эса фақат ўзини кўради, фақат ўзини эшитади, ўзгаларнинг ҳаққини тан олмайди, ҳатто уларнинг бу ҳаётда асло бирор ҳаққи йўқ, деб билади. Бу хато тушунча Аллоҳ таолонинг борлиқдаги қонуниятига зиддир.

Маҳмуд АБДУРАҲМОНОВ,
Ҳадис илми мактаби
“Ҳадис илмлари” кафедраси мудири

Масала

Динда саволим бор...

Савол: Никоҳдан сўнг ўртада яқинлик бўлмай туриб талоқ қилинган қиз идда ўтирадими?

Жавоб: Бу “хилвати саҳиҳа” бўлган ёки бўлмаганига боғлиқ. “Хилвати саҳиҳа” – никоҳ ақдидан кейин эр-хотиннинг холи қолишидир. Бунда уларнинг яқинлик қилишларига ҳеч қандай монелик бўлмаслиги керак.

Агар хилвати саҳиҳадан кейин талоқ берилган бўлса, бир ражъий талоқ тушади ва идда вожиб бўлади. Уч ҳайз идда ўтиради. Ҳомиласи бўлса, туққунича ўтиради. Иддаси чиқмай ярашмоқчи бўлишса, бирга яшаб кетишлари билан никоҳ яна тикланади.

“Эр-хотиндан бирининг касаллигисиз бўлган хилвати саҳиҳа – жинсий яқинлик кабидир. Шунинг учун хилвати саҳиҳадан сўнг талоқ қилинган аёлга идда вожиб. Гарчи эр жинсий ожиз ё бичилган ёки жинсий аъзоси кесилган бўлса ҳам” (“Баҳрур роиқ”).

Агар никоҳдан сўнг хилвати саҳиҳа бўлмай талоқ берилса, бир боин талоқ тушади ва идда вожиб бўлмайди. Ярашмоқчи бўлишса, эр қайта никоҳ ўқитиб, маҳр беради.

“Эрнинг аёл олдида кириши (хилвати саҳиҳа)дан олдин талоқ воқе бўлса, идда ўтириш йўқ” (“Ихтиёр ли таълили мухтор”).

Савол: Сешанба куни “Пайшанба куни рўза тутаман”, деб ният қилгандим. Лекин рўза тутутишим эсимдан чиқибди. Унинг қазосини тутаманми? Агар таҳажжуд намозини ўқийман деса-ю, ўқиёлмаса, қазоси ўқиладими?

Жавоб: Нафл ибодатларнинг қазоси бўлмайди. Қолаверса, ният қилиш билан ибодат зиммага вожиб бўлиб қолмайди.

5-бетда

Имомга саждаи саҳвдан сўнг иқтидо қилиш

Зиммасига саждаи саҳв вожиб бўлиб, саждаи саҳв қилганидан сўнг “Аттаҳиёт”ни ўқиётган имомга иқтидо қилган масбуқнинг иқтидоси дуруст бўлади. Саждаи саҳв вожиб эмас (“Фатавойи Оламгирия”).

Имом саҳв қилганидан сўнг масбуқ унга иқтидо қилса, у ҳам имомга эргашиб саждаи саҳв қилади (“Фатавойи Оламгирия”, “Раддул мухтор”).

Масбуқ имомга саждаи саҳвнинг иккинчи саждасида келиб қўшилса, унга аввалги сажданинг қазоси вожиб бўлмайди (“Фатавойи Оламгирия”).

Масбуқ имом билан бирга саждаи саҳв қилмай, ўтказиб юборган ракатларини адо қилиш учун турса, намози дуруст бўлади. Лекин намоз охирида саждаи саҳв қилади (“Фатавойи Оламгирия”, “Раддул мухтор”).

Зиммасига саждаи саҳв вожиб бўлган имом сажда қилишни унутиб икки томонга салом берди. Масбуқ қолдирилган ракатларни адо қилиш учун ўрнидан турганида имом саждаи саҳв қилмаганини эслаб қолди. Бу ҳолатда имом дарҳол саждаи саҳв қилади. Агар масбуқ ўша ракатнинг саждасини қилмаган бўлса, ортга қайтиб, имом билан бирга саждаи саҳв қилади. Имом охириги саломни бергач, масбуқ туриб, қолган намозини адо қилади. Масбуқнинг қилган қиём, қироат ва рукуси гўё қилинмаган, деб тасаввур қилинади. Бироқ масбуқ ортга қайтиб, имом билан бирга саждаи саҳв қилмаса ҳам намози дуруст бўлаверади. Лекин намоз охирида саждаи саҳв қилиши вожиб бўлади. Агар

масбуқ ушбу ракатнинг саждасини қилиб улгурган бўлса, ортга қайтмайди. Ортга қайтса, намози бузилади (“Фатавойи Оламгирия”).

Агар масбуқ имом билан бирга саждаи саҳв қилмай, ўрнидан туриб қолдирган ракатларини адо қилаётиб бирор саҳвга йўл қўйса, намоз охирида бир маротаба саждаи саҳв қилиши kifoya. Масбуқ имомнинг саломини кутмай туриб кетса, гуноҳкор бўлади (“Фатавойи Оламгирия”).

Масбуқ имомдан аввал ёки имом билан баробар салом берса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (“Фатавойи Оламгирия”).

Муқим киши мусофир имомга тўрт ракатли намозда иқтидо қилса, имом салом бергач, қолган икки ракатни ўзи ўқийди. Унда бирор саҳв қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Саждаи саҳв борасида унинг ҳукми масбуқнинг ҳукми кабидир. Агар бир ракатни топса, аввалги икки ракатни қироатсиз, охириги ракатни қироат билан тугатади (“Фатавойи Оламгирия”).

Масбуқ имом билан бирга саждаи саҳв қилгандан сўнг, қолдирган ракатларини адо қилиш учун турганида бирор саҳвга йўл қўйса, намознинг охирида яна саждаи саҳв қилади (“Раддул мухтор”).

Лоҳиқ — имом билан намозга бирга киришиб, намоз асносида бетаҳоратлик ёки бошқа сабабдан орада бир, икки ракатни қолдириб, яна намозга қўшилган киши. Яъни, имомга намознинг аввали ва

охирида шерик бўлиб, орада бир неча ракатларни тарк қилган кишидир. У имом саждаи саҳв қилганда унга эргашмай, қаъдада жим ўтиради. Сўнг туриб, қолган ракатларни ўқиб, намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар имом билан бирга саждаи саҳв қилса, намознинг охирида яна саждаи саҳв қилиши зарур (“Раддул мухтор”).

Масбуқ намозни давом эттириши лозимлигини унутиб, имом билан бирга салом берди. Қўлини кўтариб, араб тилида дуо қилганидан сўнг масбуқлиги эсига тушди. Агар намозга хилоф бирор иш қилмаган бўлса, туриб, қолган ракатларни адо қилади. Охирида саждаи саҳв қилади (“ад-Дуррул мухтор маъна Раддил мухтор”).

Бир одам шом намозининг охириги қаъдалигини билган ҳолда унга қўшилса, лекин имом бу аввалги қаъда деган ҳаёл билан намозни адо қилиш учун ўрнидан турса, имомга зиёда ракатларда шерик бўлган масбуқнинг намози бузилади. Зиёда ракатларда келиб қўшилган кишининг ҳам ҳукми шундай (“Раддул мухтор”).

Жаҳрий намозда имом салом бергандан сўнг масбуқ туриб, қолдирган ракатларини хоҳласа махфий, хоҳласа жаҳрий қироат билан адо қилади. Чунки у энди ёлғиз ўқувчи ҳукмидадир. Агар жаҳрий қироат қилса, жаҳрийнинг энг паст даражасига амал қилади (“Раддул мухтор”).

Масбуқ бомдод намозининг қаъдасида имомга шерик бўлди. Имом салом берганидан сўнг, масбуқ туриб намознинг ўзи етолмаган қисмини адо қилди. Шундан сўнг бирор сабаб билан имомнинг намози дуруст бўлмагани билиниб қолди. Бу суратда масбуқнинг намози ҳам адо бўлмайди. Қайта ўқиши лозим (“Раддул мухтор”).



Имомга саждаи саҳв вожиб бўлса, лекин имом саждаи саҳв қилмаса ва намоз тугагач, намозни қайтадан ўқимоқчи бўлса, масбуқ ниятини бузмайди, балки намозини тўлиқ адо қилади. Чунки қайта ўқиш намознинг ноқис бўлгани сабабли савобни тўлдириш учундир. Имомнинг қайта ўқиган намози нафл бўлгани учун унга фарз нияти билан иқтидо қилиб бўлмайди (“ал-Ашбоҳ ван-назоир”).

Масбуқ охириги қаъдада имом салом бергунга қадар фақат “Аттаҳиёт”ни шошмай ўқийди. Агар имомдан аввал ўқиб бўлса, хоҳласа сукут қилади, хоҳласа ташаххудни ўқийди ва хоҳласа “Аттаҳиёт”ни қайтадан ўқийди (“Фатавойи Оламгирия”).

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Ибратли ҳикоя

Маржона тонгда уйкудан зўрға уйғонди. Сабаби, охириги пайтларда у ярим тунгача телефон титкилашга одатланиб қолган эди. Кўпинча телефонини ушлаганча ухлаб қолади...

У телефонини қувватлагичга улаб, ювиниш хонасига кирди. Ойнага қаради, кўзлари қизарган. Ранги сўлғин, оғзидан бадбўй ҳид келарди. Ухлашдан олдин тишларини ҳам тозаламай қўйганди. Юз-қўлини ювгач, астойдил тишларини тозалади. Тиш пастаси ҳам ёрдам бермади. Ҳалиям оғзидан ёқимсиз ҳид анқирди. “Шу аҳволда одамлар билан қандай мулоқот қиламан?

Бу бадбўй ҳиддан ҳамманинг дили оғрийди-ку”, дея ўйлади Маржона.

Ўқишда ҳам ҳаммадан ўзини тортиб юрди. Ким биландир гаплашишга мажбур бўлса, тиши оғрийётганини баҳона қилиб рўмолча билан оғзини тўсиб оларди. Ҳар танаффусда югуриб бориб оғзини чаяр, сақич чайнади. Аммо бадбўйлик йўқолай демасди. Бу ҳолат унга қаттиқ таъсир қилди. Телефонни ҳам эсдан чиқарди.

Дарслар тугагач, бекатга келиб автобус кута бошлади. Бир

пайт ёши улуғ отахон неварасини етаклаб келиб қолди. Болакай бобосини саволга тутди: “Бобо, нега ҳар сафар намоздан олдин таҳорат олиб покланиш керак?” Бобоси унга тушунтира бошлади: “Чунки таҳорат намознинг устуни. Пок бўлмаса, қандай қилиб Аллоҳ билан гаплашади?..”

Уларнинг суҳбатини эшитган Маржона хушёр тортди. Аслида бу гапларни олдин ҳам бошқалардан эшитган, аммо эътибор бермаганди. Қолаверса, қачонлардир ўзи ҳам таҳоратли юрар, намоз ўқир эди. Зарарли

одатга муккасидан кетиш оқибатида покликни, ибодатни тарк этди. Маржона шуларни ўйларкан, “Ўша пайтлар ўзимни қанчалар енгил ҳис этардим-а, ҳаётим маъно-мазмунга тўла эди-я”, деган афсус қалбини кемирди.

Уйга келгач, чаққонлик билан кечки овқат тайёрлади-да, таҳорат олиш учун ювиниш хонасига йўл олди... Ҳа, отахоннинг жавоби Маржонага қаттиқ таъсир қилганди.

Сардор ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилояти

Отахоннинг жавоби

Ҳайвонларда ақл борми?

“Ҳайвон” сўзи луғатда ақли бор-йўқлигидан қатъи назар, руҳи бор барча жонзотларга нисбатан ишлатилади. Истилоҳда эса сезиш қобилияти бўлган, ўз хоҳиши билан ҳаракатлана оладиган ривожланувчи жисм “ҳайвон” деб аталади. Шунга кўра, ҳайвон деганда инсонлар ва бошқа барча тирик жонзотларнинг умумий номи тушунилади.

Ўзбек тилида эса ҳайвон деганда инсонлардан бошқа жонзотлар тушунилади. Араб тилида инсонлардан бошқа жонзотларга нисбатан қуйидаги номлар ишлатилади:

“Дабба” – “судралувчи”. Қорни ё оёқлари билан ерда ҳаракатланадиган барча жонзотлар “дабба” дейилади. Урфда эса “дабба” деганда асосан от, хачир ва эшаклар тушунилади.

“Баҳийма” – “нутқ қила олмайдиган”. Йиртқич ҳайвонлар ва қушлардан ташқари қуруқлик ва сувдаги барча тўрт оёқли жонзотлар тушунилади.

“Наъам” – “ўтловчи ҳайвон”. Туя, қора мол ва қўй тушунилади. Бу ҳайвонлардаги неъмат ва барака бошқа ҳайвонларга нисбатан мўл бўлгани учун улар “фароғатли” маъносида “наъам” деб аталган.

“Ақл” луғатда “тақиқлаш”, “мулоҳаза қилиш” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса унга бир қанча таърифлар берилган: “Илмни қабул қилиш учун яратилган қувват”; “Инсонлар у ёрдамида нутқни тушунадиган табиий сезги”; “Яхши-ёмонни ҳамда ҳақ ва ноҳақни ажратадиган қалбдаги нур”.

Ушбу таърифларга кўра, ақл инсониятга берилган улуғ неъматлардан биридир. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай хабар берилган: **“Фақат ақл эгаларигина эсларлар”** (Бақара сураси, 269-оят). Ақл деб таржима қилинган сўз арабчада “луб” (мағиз) маъносини англатади. Яъни, инсонни инсон қилиб турган унинг ақлидир. Ана шу ақли туфайли у шаръий тақлифларга лаёқатли ҳисобланади. Ақли ноқислардан мазкур тақлифлар соқит бўлади.

Аллоҳ таоло инсониятга ақл неъматини берганидек, ҳайвонларга ўта сезгирлик, жисмоний қувват ва ҳис қилиш қобилиятини ато этган. Бу қобилият Қуръони каримда ҳидоят деб номланган: «(Мусо) айтди: **“Раббимиз ҳар бир нарсга ўз яратувчилигини ато этиб**

(кўрсатиб), **сўнгра** (уни) **тўғри йўлга йўллаган Зотдир”** (Тоҳа сураси, 50-оят).

Яъни, Аллоҳ таоло мавжудотларга ҳаёт бериб, уларни яшашлари учун зарур бўлган нарсаларга йўллаб қўйган. Мазкур ҳидоятни уламолар “ҳайвонларнинг идроки” деб атаганлар. Масалан, энди туғилган ҳайвоннинг эмишни билиши, онасини таниши уларга ато этилган идрокдир. Уларнинг хавф-хатарни ҳис қилишга бўлган идроклари тажриба билан ортиб боради. Ҳайвонларга озукани қаердан, қандай топиш идроки ато этилган. Баъзи қушлар ҳатто кечаси учиб, юзлаб километр олисдаги масофага адашмай етиб боради. Аммо уйга қамалиб қолса, оддий дераза ойнасининг тўсиқ эканини англаб ета олмасликлари уларда ақл йўқлигига далolat қилади.

Инсон ақли ва ҳайвонларнинг мазкур идроки ўртасидаги фарқ шундаки, инсон ақли ўзининг яшашига алоқаси бор нарсаларга ҳам, алоқаси бўлмаган узоқ жойлар ва ўтган замонлар каби нарсаларга ҳам эътибор қарата олади. Ҳайвонларнинг идроки эса фақат ўзларининг табиатларига хос нарсаларнигина ажрата олади, ундан бошқа нарсаларни идрок қила олмайди. Масалан, тоғдан юмалаб келаётган тошни кўрган ҳайвон унинг ўлжа ёки бирор йиртқичлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Агар юмалаётган нарса ўлжа ҳам, йиртқич ҳам бўлмаса, унинг идрок этиш чегараси тугайди. Тош ҳақида бошқа тафаккур юрита олмайди.

Аммо шу тошни кўрган инсон уни узоқдан кўрган вақтда, дастлаб, ундан хавфсираса-да, унинг тошлигини билгач, у ҳақдаги тафаккури яна давом этади. Бу тошни ким юмалатди, кимдир тепада юрибдими ёки бирор ҳайвон борми ёки кўчки бошланмаяптими каби нарсалар ҳақида ақл юрита бошлайди.

Қуръонда худхуд деган қушнинг хабар келтириши, бир чумоли ўз қавмини огоҳлантириши баён қилинган. Уламолар айтади: “Мазкур ҳайвонларга бошқалари қиёс қилинмайди. Акс ҳолда, ҳайвонлар ҳам инсонлар

каби мукаллаф бўлиб қолар эди. Қуръонда зикр этилган ҳайвонлар Сулаймон алай-ҳиссаломга ато этилган мулк ҳисобланади”.

Ҳайвонларда ақл юритиш қобилияти бўлмагани учун улар ҳис қилиш аъзолари ёрдамида маълумот оладилар. Шу маънода Қуръони каримда айрим кимсалар ҳайвонларга ўхшатишган: **“Ёки сен уларнинг кўпларини тинглай олурлар ё англай олурлар, деб ҳисоблайсанми? Аслида уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар”** (Фурқон сураси, 44-оят).

Яъни, ўзлари учун фойдали гапларни англамайдиган кимсалар ҳайвонлардек, балки улардан ҳам тубанроқдирлар. Чунки ҳайвонлар ақл юрита олмасалар-да, ўзлари учун фойдали нарсаларни бажариб, зарарли ва хатарли нарсалардан тийиладилар.

Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ “Завъул маолий” асарида ёзади: “Аллоҳ таоло фаришталарга ақл бериб, шаҳватни бермаган. Ҳайвонларга эса шаҳват бериб, ақлни бермаган. Одамларга ҳар иккаласини берган. Қайси инсоннинг ақли шаҳватидан устун бўлса, у фаришталар қаторида, балки улардан ҳам комилроқ ҳисобланади. Кимнинг шаҳвати ақлидан устун бўлса, у ҳайвонлар қаторида, балки улардан ҳам тубанроқ бўлади”.

Шунга кўра, баъзи ақли расо инсонларнинг ҳақни ноҳақдан ажрата олса-да, ҳақ тарафга юрмаслиги инсоний ҳаракат эмас, балки ҳавойи нафс ва ҳис-туйғулар қутқуси таъсиридаги ҳайвоний ҳаракат ҳисобланади.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институтининг
Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси
доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)



Масала

3-бетда

Агар “рўза тутишни назр қилдим” ёки назрни ифодалайдиган сўзлар билан айтган бўлсангиз, назрга айланади ва тутиб беришингиз лозим бўлади. Назрни тилда айтиш лозим, ниятнинг ўзи кифоя қилмайди.

“Назрнинг рукни назрга далолат қилувчи сийғада ифодалашдир. “Аллоҳ учун зиммамга шу иш лозим бўлсин”, “Зиммамга шу иш лозим бўлсин” каби иборалар бўлиши лозим. (“Бадоеъус саноеъ”).

“Назрдаги асосий нуқта лафздир. Шунга кўра, назрни лафзда айтмай, қуруқ ният қилишнинг ўзи кифоя қилмайди” (“ал-Мавсуъа ал-фикҳийя”).

Демак, сизнинг “Пайшанба куни рўза тутаман” ёки “Таҳажжуд ўқийман” деб ният қилишингиз билан зиммангизга назр вожиб бўлмаган.

САВОЛ: Қуръон билан қасам ичиб, уни бузиб қўйса, каффорат вожиб бўладими?

ЖАВОБ: Динимизга кўра, қасамлар фақат Аллоҳ номи билан бўлиши лозим. Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш макруҳи таҳримий ҳисобланади. Қуръон билан қасам ичиш аввалги замонларда урф бўлмаган ва уламолар: “Қуръон билан қасам ичилса, унинг эътибори йўқ”, дейишган. Кейинги давр фуқаҳолари қасам масалалари асосан урфга қарагани ҳамда Қуръондан Аллоҳнинг Каломи назарда тутилганини эътиборга олиб, Қуръон билан ичилган қасамнинг боғланиши ва ўша қасам бузилганида каффорат вожиб бўлишига фатво беришган. Камол ибн Ҳумом раҳимахуллоҳ: “Шубҳасиз бугунги кунда Қуръон билан қасам ичилганда – қасам деб эътиборга олинади”, деган (“Фатҳул Қодир”).

«Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ “ал-Асл”да: “Қуръонга қасам ичса, қасами ҳисобга олинмайди”, деб умумий қилиб айтган. Унинг маъноси шуки, бундай қасам урф-одатда йўқ. Бу худди Аллоҳнинг илмига қасам ичгандек бўлади. Шунинг учун фуқаҳолар: “Қуръон билан ичилган қасам эътиборга олинмаслиги аввалги уламоларнинг замонида эди”, дейишади. Аммо бизнинг давримизда у ҳақиқий қасам бўлади. Шу фатвога суянамиз. Муҳаммад ибн Муқотил Розий раҳимахуллоҳ: “Агар Қуръон билан қасам ичса, қасами дуруст бўлади”, деган. Шу гапни бизнинг кўпчилик машойих фақиҳларимиз олишган. “Музмарот” китобида ҳам шундай дейилган» (“Фатавойи Оламғирийя”).

Шунга кўра, Қуръон билан ичилган қасам эътиборга олинади ва уни бузиш каффоратни вожиб қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Ўрта Осиё хаттотлик тарихи

Хаттотлик ва китобат санъати халқимизнинг кўп асрлик маданий-тарихий мероси саналади. Ўлкамизга Ислон динининг ёйилиши билан араб имлоси ҳам муомалага кириб келди.

Араб алифбосининг дастлабки шакли **хатти маъқалий** бўлиб, тик чизиклар билан ифодаланган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини энг қадимий ва энг машҳур ёзув тури **хатти куфий** эгаллаган. Бу хатнинг пайдо бўлиши халифа Усмон розияллоху анху даврига бориб тақалади. Халифа Куръони каримни айни шу хатда бир неча нусхада кўчиртирган. Мазкур нусхалардан бири Куфа шахрига юборилади. Кейинчалик Ироқ, Хуросон ва Ўрта Осиё хаттотлари ҳам Куфа шахрига юборилган Куръондан нусха кўчиришади. Шу боис улар “Куфий Куръон” ёки “Куфий хати” деб атала бошлаган.

Куфий хати геометрик шаклларга асосланиб, тўғри ва доиравий чизиклардан иборат. Вақт ўтиши билан куфий хати ҳам шаклан ўзгарган. Шунинг учун бугунги кунда қадимий куфий хатига қараб у ишлатилган давр ва минтақани аниқласа бўлади. Олимларнинг айтишича, куфий хатининг етмишдан ортиқ тури бор.

Маъқалий ва куфий хатлари асосида араб ёзувининг олти хил асосий услуби майдонга келган. Уларнинг биринчиси, **сулс хати** — тўрт



баҳраси текис, икки баҳраси юмалоқ. Сулс — бирор нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси, деган маънони англатади. Сулс деб аталишига сабаб қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. Иккинчиси, **насх хатидир**. Унинг ихтирочиси Ибн Муқлаъ ҳисобланади. “Насх” сўзининг луғавий маъноси “ўчириш, бекор қилиш” дегани. Бу хат геометрик шаклга эмас, балки нафис оғма шаклга асосланади. **Муҳаққақ** услуби эса бир бўлак қисми текис бўлиб, қолган бўлаклари юмалоқ шаклида бўлади. **Райҳоний хати** муҳаққақдан келиб чиққан. Муҳаққақ ва райҳоний хатининг ихтирочиси Ибн Баввоб. **Тавқеъ хатининг** ярми текис, ярми юмалоқ чизикдан ташкил

топган. Тавқеъ дейилишига сабаб илгари қозилар қозихона ҳужжатларининг бошига ёзиладиган сўзларни шу хат билан ёзганлар. **Риқоъ хатининг** аксарият ҳарфлари бир-бирига курама қилиб ёзилади. Риқоъ “руқъа” сўзининг кўплиги бўлиб, қоғоз парча, мактублар деган маънони англатади.

Айрим олимлар **таълиқ хатини** ҳам бу олти хат ёнига қўшиб, асосий хат услубларини етти тур қилиб кўрсатадилар. Юқоридаги хат турлари хаттотлар тилида “ал-Хутут ас-сабъа” (“Етти хат”) деб юритилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур хатларнинг ҳар бири алоҳида ўринларда қўлланилган. Масалан, муҳаққақ — қасида ва

шеърларда, сулс — илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида, райҳоний ва насх — қисса ва хабарларда, тавқеъ — буйруқ ва фармонларда, риқоъ — мактубларда ишлатилган.

Бу олти асосий услубнинг ҳар бири ингичка ва йўғон қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн икки хил хатни ташкил этган.

Ўлкамизда китоб босиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш билан хаттотлар шуғулланган. Хаттотлар эса саройларда, айрим амалдорлар ҳузурида хизмат қилган. Муҳаммад ибн Хусайн Тиббий, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Хисравий, Мунис Хоразмий ва Аҳмад Дониш кабилар хаттотлик санъати равнақида катта ҳисса қўшишган.

Истиқлол йилларида унутилиб бораётган китобат санъати хаттотларимиз томонидан қайта тикланди. Бу ишда Ҳ. Солиҳ, С. Бадалбоев, А. Мирсоатов, Т. Зуфаров, А. Шомухамедовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак.

Ҳ. Солиҳ 1998 йили Истанбулда ўтказилган халқаро хаттотлар беллашувида “Девоний” хат услуби бўйича кучли ўнликдан жой олди. Шунингдек, у 1999 йилда хаттотликда нақшин безак ёзуви алифбосини кашф қилгани учун Лоҳурдаги халқаро хаттотлар беллашувида юксак мукофотга сазовор бўлди.

Алишер АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ислом институти
Тиллар кафедраси ўқитувчиси

Эзгу амал

Ромитан туманидаги “Чорикулбой кўприги”дан ўтаётганда, “Ота-боболаримиз нақадар савобталаб инсонлар бўлишган-а”, дея ғурурланиб кўямиз. Мазкур кўприк ўтган аср бошида эл ичида сахийлиги билан танилган Чорикулбой Пирнафас ўғли (1847–1934) маблағи эвазига қурилган.

Унинг қурилиши ўзига хос тарих. Катта сармояга эга чорвадор Чорикулбой Бухоро амиридан мадраса қуриш учун рухсат сўрайди. Аммо амир шариат пешволари билан маслаҳатлашган ҳолда унга Зарафшон дарёсининг Ромитандан оқиб ўтувчи ўзани устида кўприк қуришни маслаҳат беради. Чунки мавжуд кўприк омонат бўлиб, баҳорги тошқинлар пайтида одамлар ҳаёти хавф остида қоларди.

Чорикулбой рози бўлади ва ишга киришади. Кўприк лойиҳасини тузиш, уни қуриш учун

Германия, Чехия ва Россиядан мутахассисларни жалб қилади. Узунлиги салкам 100 метр, эни 7,5



метр бўлган бу гидротехник иншоот 1911–1914 йиллар давомида қурилади. Унда маҳаллий аҳоли ҳам фаол иштирок этади. Чорикулбой ҳар бир ишловчига яхши ҳақ тўлаб, рози-ризолигини олади. Саккиз устунли бу кўприк жуда маҳобатли бўлиб, унинг қурилишида бирорта ҳам ёғоч, темир ишлатилмаган. Фақат обиғиш, тоғ тошлари ва ганчдан фойдаланилган. 9 та сув дарвозаси бўлган.

У 1914 йилда катта тантана билан фойдаланишга топширилади.

Кўприк ён томонидаги гумбазга шундай сўзлар битилган: “Мен Чорикулбой, халқнинг ризолиги, дунё ҳаваси ва шавқи, эл осойишталиги ва меҳри учун, инсонлар бахту саодати, келажигига хизмат қилиши учун ушбу кўприкни қурдим”.

Шўролар даврида ғиштини маданият клуби қуришда ишлатамиз, деб кўприкни бузмокчи бўладилар. Ўша паллада ҳаёт бўлган Чорикулбой ўз ҳисобидан клуб қуриб бериб, иншоотни сақлаб қолади. Шу тариқа кўприк 60 йил давомида халққа хизмат қилади.

“Чорикулбой кўприги” ҳозир маданий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган. Иншоот 2014 йилда катта маблағ эвазига таъмирланиб, сайёҳлар ташриф буюрадиган масканга айлантирилди.

Ҳа, сидқидилдан қилинган хайрли амал эгасига улуғ ажру савоблар етказиш билан бирга,



унинг номи халқ ичида узоқ йиллар эсланишига ҳам сабаб бўлади.

Ромитан тумани “Ҳазрати Бобо” жоме масжиди имом-хатиби Суннат ФАХРИЕВ тайёрлади.

Ҳориса ибн Нўъмон

розияллоҳу анҳу

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Мен ухладим, тушимда ўзимни жаннатда кўрдим ва бир қорининг Қуръон қироат қилаётганини эшитдим. Мен: “Бу ким?” деб сўрадим. Улар: “Ҳориса ибн Нўъмон”, дейишди. Яхшилик ана шундай бўлади, яхшилик қилиш ана шундай бўлади, у онасига кўп яхшилик қиладиган инсон эди”, дедилар (Имом Аҳмад ривояти).**

Ҳориса ибн Нўъмон розияллоҳу анҳу хазражлик Наҷжор ўғилларидан. У гўзал ахлоқи, жўмард-лиги ва онасига қилган эҳтироми билан танилган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва оила аъзоларига уларини бирма-бир ҳадя қилган саҳоба.

У Мадинада Ислом ёйила бошлаган пайтда ҳеч иккиланмасдан иймон келтирган. Умму Халид розияллоҳу анҳо билан оила қуриб, 5 нафар қиз кўрган ва уларнинг барчаси саҳобия сифатида этироф этилган.

Ҳориса розияллоҳу анҳу барча ғазотларда иштирок этган, Бадрда қаҳрамонлик кўрсатиб, мушрик Усмон ибн Абдушшамсни асир олган. Ҳунайн ғазотида Ислом лашкарлари тарқалиб кетган пайтда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг атрофида жипслашиб, матонат кўрсатган 80 саҳобийдан бири. Унинг ўзи айтади: “Ҳунайнда мусулмонлар тарқалиб кетганда Расули акрам солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Ҳориса, атрофимизда неча киши қолди?”** — деб сўрадилар. Шунда 80–100 киши атрофида эканлигини тахмин қилиб, айтдим”.

У Жаброил алайҳиссаломни икки марта кўрган. Биринчиси, Бану Қурайза яҳудийларига қарши жангга ҳозирлик кўриляётганда, иккинчиси, Ҳунайн ғазотидан кейин. Бу ҳақда бундай ривоят қилинади: “Бир куни масжидга кетаётган эдим. Расулуллоҳ алайҳиссалом эшик олдида бир киши билан суҳбатлашаётганларини кўрдим. Мен, ҳалал бермай, деган андишада ёнларидан салом бермай ўтиб кетдим. Жаброил алайҳиссалом мени кўрсатиб:

— Бу ким, эй Муҳаммад?! — деб сўрабди.

Фахри коинот солаллоҳу алайҳи ва саллам:

— Ҳориса ибн Нўъмон, — дебдилар.

— Агар шу одам салом берса, алик олардик, — дейди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом: — Уни танидингизми? — деб сўрабдилар.

Жаброил алайҳиссалом: У Ҳунайнда сабот кўрсатиб, Аллоҳ жаннатга киришларига кафил бўлган саксон кишидан бири эмасми?! — дея сўрайди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом менга:

— Эй Ҳориса! Ёнимдаги одамни кўрдингми? — деб сўрадилар.

— Ҳа, Расулуллоҳ, кўрдим. Дихятул Калбий билан суҳбатингизни бўлиб қўйишни истамаганим учун салом бермадим, — дедим.

Шунда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **«У Жаброил алайҳиссалом эди. Сенга салом айтди ва: “Агар салом берса, алик олардик” — деди»** (“Муснад”, IV, 17).

Ҳориса розияллоҳу анҳунинг бир неча уйи бўлиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳижрат қилганларида ҳадя қилишни хоҳлади.

Расулуллоҳ алайҳиссалом Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳунинг уйига жойлашганлари сабабли орзуси амалга ошмади. Маккадан нубувват хонадонининг қолган аъзолари — Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳо ва қизлар келганида фурсатни ғанимат билиб, уйларида бирини берди (“Табақот”, I, 237).

Расули акрам алайҳиссаломнинг эҳтиёжлари бўлганида энг яқин хонани бўшатиб, ўзи кейингисига кўчиб ўтарди. Шу сабабли Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Биз учун уйини алмаштиравергани учун Ҳорисадан ҳаё қила бошладим”**, деганлар (Ибн Саъд, III, 488).

Хайбар фатҳидан кейин Сафийа розияллоҳу анҳо онамизга, кейинроқ эса Мория розияллоҳу анҳо онамизга хужра инъом этган. Ҳазрат Али Фотима розияллоҳу анҳумога уйланганида масжиддан анча узоқда бўлган уйга жойлашдилар.

Расулуллоҳ алайҳиссалом қизлари Фотима розияллоҳу анҳони жуда яхши кўрар, тез-тез кўргани бориб турардилар. Уй анча олисда бўлгани учун бориб келишда бироз машаққат тортаётган эдилар. Бир куни ёш келин-куёв: “Ё Расулуллоҳ, Ҳориса ибн Нўъмонга бу масалани англатсангиз, бироз нарироққа кўчиб, бизга яқинингиздан жой берса”, дейишди.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам уларга бундай жавоб қайтардилар: **“Ҳориса ибн Нўъмон аввал ҳам биз учун яшаётган уйини бўшатиб берган эди. Унга бу ҳақда сўз очишдан ҳаё қиламан”**.

Вазиятдан хабар топган Ҳориса розияллоҳу анҳу дарҳол уйини бўшатиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб, деди: “Ё Расулуллоҳ, қизингизни

яқинингизга кўчириб келмоқчи экансиз. Менинг уйим Наҷжор ўғиллариники орасида сизга энг яқини. Шубҳасиз, мен ҳам, мол-мулким ҳам Аллоҳ ва унинг Расулиникидир. Худо ҳаққи, менадан қабул қилиб олган молингиз мен учун ўзимда қолганидан яхшироқдир. Уйни қабул қилишингиз уни рад этишингиздан қувончлироқ”, деди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Тўғри сўзладинг! Аллоҳ хайрли қилсин! Аллоҳ сенга хайру баракот ёғдирсин!”** деб дуо қилдилар.

Ҳориса розияллоҳу анҳу илм олишга, ибодатга ҳарис эди. Фақирларга садақани ўзи берарди. Кексайиб, кўз нуруни йўқотган пайтда намозгоҳи билан хонасининг ўртасига арқон тортириб қўйганди. Ёнида эса хурмо тўла сават турарди. Ипни ушлаб намозгоҳга борар, эшигига келган фақирларга ажратилган хурмоларни ўз қўли билан берарди. Яқинлари қийналишини истамаганлари сабабли: «Хурмоларни биз берсак бўлмайдами?!» дейишганида: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Шуни яхши билингки, фақирларга ўз қўлинг билан садақа улашиш, инсонни ёмон ўлимдан муҳофаза қилади”** (Ибн Саъд, III, 488; Имом Табароний ривояти, Кабир, III, 229, 231), деганлар. Шунинг учун садақани ўзим беришни истаيمان», деб жавоб берган.

Ҳориса ибн Нўъмон розияллоҳу анҳунинг қачон вафот этгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фақат Муовия даври (661–680)да вафот этгани ривоят қилинади. Ундан Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Омир ва Саълаба ибн Абу Моликлар ҳадис ривоят қилишган.

Унинг зурриёти муҳаддис Абу Рижол Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Ҳориса ибн Нўъмон бўлиб, отасидан олти ҳадис ривоят қилган.

Манбалар асосида
Нигора Абдумухтор қизи
тайёрлади.

Бўлган воқеа

Арзонга сотилган дўст

Ҳабибулло дам олиш куни қўй сотиб олиш учун бозорга чиқди. Айланиб юриб, эски қадрдонни Акрамжонни учратиб қолди. Куюқ кўришди. Дўсти ярим йилдан буён боқаётган қўйини бозорга олиб чиққан экан. Қўй Ҳабибуллога ёққандек бўлди. “Нотанишдан кўра, ўз дўстимдан сотиб олганим маъқул, ҳар ҳолда ишончли, қолаверса, пулинг бегонага кетмайди”, дея ўйлади.

Акрамжонга муддаосини аңлатгач, холис даллолни қақариб,

нарх бичишди. Ҳабибулло келишилган пулни бериб, энди қўйни етакламоқчи бўлиб турганди, дўстининг ўғли Анваржон келиб қолди. У отасидан: “Дада, қўйни сотдингизми?” деб сўради.

“Ҳа, Ҳабибулло амакингга сотдим”, дея қўйнинг пулини ўғлига тутқазди. Анваржон пулни



шошилиш санаб кўриб: “Бу пул қўйимизнинг баҳоси эмас. Ким сотиб олмақчи бўлса, мен билан савдолашсин”, деди. Ҳабибулло дўстига ўгирилиб қаради. Акрамжон қўзини олиб қочди. Ўғлига ҳам ҳеч нарсга демади. Бу муомала Ҳабибуллога оғир ботган бўлса-да, оғир-босиқлик билан: “Маили, ўғлим, қўй менга ёқди, айт, яна устига қанча

пул қўшай?”, деди. Анваржон ғолиб бўлган полвондек гердайганча: “Юз минг сўм”, деди. Ҳабибулло ёнидан юз минг сўм чиқариб, уни атайлаб Анваржонга узатди. У индамай пулни чўнтагига урди.

Шу аснода келиб қолган бир киши Ҳабибуллодан: “Қўйни неча пулга олдингиз?” деб сўради. У: “Унчалик қиммат эмас, лекин дўстим Акрамжонни яна ҳам арзонга сотиб олдим, атиги юз минг сўмга”, деди...

Одилхон КИМСАНХОНОВ,
Анджон тумани

Қўл остингиздагиларга масъулсиз

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Ҳар бирингиз қўл остингиздагиларга раҳбарсиз, ҳар бирингиз раиятингиз, яъни қўл остингиздагилардан масъулсиз...”** (Имом Бухорий ривояти).

Ана шу насиҳатга амал қилинган даврда жамият ҳаёти саодатли кечган. Бунга ўрнатилган ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу халифалиги даврида содир бўлган воқеани келтириш мумкин.

Халифа давлат вазифасига бир одамни тайинлаётди:

– Ўғри келса, нима қиласан, – деб сўради. У эса Ислом ҳуқуқидан келиб чиқиб жавоб берди:

– “Қўлини кесаман!”

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу аввало очларни тўйдириш, фақирларнинг эҳтиёжларини қондириш, инсонларга тарбия бериш лозимлигини уқтириш учун бундай деди: “Аслида қўл остингиздагилардан бири оч ёки ишсиз ҳолда менинг ҳузуримга келса, Умар сенинг қўлингни кесиши лозим! Чунки Аллоҳ бизларни қулларига масъул қилди, қулларини эса бизларга муҳтож қилди.

Уларнинг очларини тўйдириб, яланғочларини кийинтириб, ишсизларни иш билан таъминлайлик.

Шунда раиятдан шу неъматларга шукрни талаб этишимиз ўринли бўлади.

Эй инсон! Аллоҳ қўлларни ишласин, деб яратган. Агар қўллар ишлаш учун маъқул иш топа олмаса, гуноҳга узатилади.

Улар сени гуноҳларга жазо бериш билан машғул қилмасидан аввал сен у қўлларни муносиб ишлар билан банд қил! (Яъни, хайрли бир иш билан банд қил!)”

Юқоридаги қиссадан англашиладики, мўмин бошлиқлар жамиятда содир бўлаётган барча жиноятлар, ғафлатлар, ёмон йўлга кириб қолганлар учун масъулдир.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу ўғрилиқнинг жазосини биларди. Бироқ жазолашдан аввал жамиятда иқтисодий мувозанатни таъминлаш, масъуллар ва имконияти борлар очларни тўйдириш, адашганларни тўғри йўлга бошлаш, ҳалол ризқ топиш йўллари кўрсатиш каби чораларни амалга ошириш муҳимлигини уқтирмоқчи бўлди.


Агар бу низомга амал қилинмаса, жамиятда юзага келган муаммо, содир этилган гуноҳларга бошлиқлар ҳам теппа-тенг шерикдирлар.

– Имконимиз бўлгани ҳолда биз тўйдирмаган одам бирор жиноятга қўл урса, демак, бунда бизнинг ҳам айбимиз бор.

– Йўлдан адашган инсонларга эътиборсизлигимиз сабаб улар бирор хатога йўл қўйишса, бунда ҳам бизнинг улушимиз бор.

Шуни ҳам эсда тутиш лозимки, ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу қаҳатчилик йилларида қўл кесиш жазосини қўлламаган. Чунки жиноятни очлик ва зарурат туфайли содир этиш эҳтимоли кучли эди. Имом Термизий келтирган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шубҳа туғилганда жазони бекор қилишни буюрганлар.

Аббод ибн Шурахбил розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Қаҳатчилик йилида фақир бўлиб қолдим. Шунда Мадина боғчаларидан бирига кирдим. Бошоқларни ишқалаб тозалаб едим, халтага ҳам солдим. Шу аснода боғбон келиб, ушлаб олди ва мени дўн-послади, халтамни тортиб олди.**



Расулуллоҳ алайҳиссаломга ҳолимни аңлатдим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам боғ эгасини чақирдилар ва унга: **“Жоҳилга ўргатмадинг, оч экан, тўйдирмадинг!”** дедилар. Боғ эгасига халтамни қайтариб беришни буюрдилар. Менга бир ёки ярим васқ (60 ёки 120 кг) миқдорда егулик бердилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти).

Хулоса қилсак, агар қўл остингиздагилар хато қилсалар, аввало, буни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиб, уларни бартараф этиб, шундан сўнггина зарур жазони қўллаш мумкин – бу Ислом адолати!

Манбалар асосида

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Тиббиёт бурчаги

Гайморитдан фориғ этади

Пиёлага 1 чойқошиқдан асал, истеъмол содаси ва кунгабоқар ёғини солиб, яхшилаб аралаштиринг. Ўнг томонга ёнбошлаб ётган ҳолда қоришмага ботирилган пахтали тампонни буруннинг чап қавагига 15 дақиқа суриб қўйинг. Сўнг томонларни ўзгартиринг. Ушбу усулни 3-4 марта қўлласангиз, гайморитдан фориғ бўласиз.



Буйрак яллиғланишида

Оғзи ёпиладиган идишга 300 ml қайноқ сув ва унинг устидан 150 gr майдаланган далачай ўсимлигини солиб, 10 дақиқа қайнатинг. Суюқлик совигач, уни сузиб олинг. Дамламани кунига 3 маҳал овқатланишдан ярим соат аввал 2 ошқошиқдан истеъмол қилинг. 3-4 кун давом



этадиган муолажа буйрак ва сийдик йўллари касалликларида фойда беради.

Бел оғриғи қийнаганда

Бел оғриғидан азият чексангиз, 300 ml сувни қайнатиб олгач, ичига 10–12 дона лавр баргини солиб, 30 дақиқа қайнатинг. Дамламани 5 кун давомида эрталаб оч қоринга ярим стакандан овқатдан ярим соат олдин ичинг.



Қовун пўчоғи – шифо ўчоғи

Қовун пўчоғини салқин жойда қуришиб, ундан дамлама тайёрлайсиз. Уни ичиб юрсангиз, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди. Шу билан бирга, паришонхотирлик, диққинафаслик, бод, беланги, сил, камқонлик, жигар касалликларига ҳам шифо бўлади.



Юрак касаллигига даво

Сизни юрак касаллиги безовта қилаётган бўлса, кечқурун ўртача катталикдаги лимонни олиб, ярим бўлагининг шарбатини чиқарасиз ва уни ярим стакан қайнатилган ўртача ҳароратдаги сув билан аралаштирасиз. Сўнг унга бир ош қошиқ асал қўшиб, кунига 3 маҳал (ҳар сафар янгида тайёрланади) дамладан ичасиз. Муолажа давомийлиги – 10 кун.



Қабзият безовта қилса...

Қабзиятдан халос бўлиш учун уйқуга ётишдан олдин янги ивигилган 1 стакан қатикқа 1 ош қошиқ зайтун ёки ўсимлик ёғидан солиб ичиш лозим. Шунингдек, қайнатилган сабзи ва лавлаг, олхўри, сули бўтқалари, сабзи ҳамда ошқовоқ шарбати ҳам фойда беради.



Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOBOEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolom MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Dilmurod SODIQOV

Musahhiha: Zebo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 18.07.2024
Xulosa (№03-07/4543) olindi: 29.07.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/15-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!



لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!